



## *PLANTAGO MAJOR L.* –ЙИРИК ЗУБТУРУМНИ ЕТИШТИРИШ

### АГРОТЕХНИКАСИ

**Ибрагимова Шахзода Шерали кизи**

Тошкент давлат аграр университети

**Озодбекова Гавхарой Азизбек кизи**

Тошкент давлат аграр университети

**Хусанов Санжар Усмонали ўғли**

Тошкент давлат аграр университети

**Махкамов Тробжон Хусанбоевич**

Тошкент давлат аграр университети

[mturobzhon@mail.ru](mailto:mturobzhon@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда йирик зубтурум етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга *Plantago major L.* нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** *Plantago Major L.*, экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар, тиббиётда қўлланилиши.

### ABSTRACT

The article presents the results of scientific research on scientifically based methods of cultivation of *Plantago Major L.* in Uzbekistan. At the same time, information is given on the preparation and therapeutic use of raw materials of the *Plantago major* and its chemical composition.

**Key words:** *Plantago Major L.*, cultivation, agrotechnical measures, use in medicine.

**Кириш.** Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши ҳисобига флора ва доришунослик борасида юқори истиқболли экспортбоп ўсимликларнинг таркибини шакллантириш, танлаш ва хомашёсига бўлган еҳтиёжларни қондириш, ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитида етиштиришнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш



заруриятлари мавжудлигини кўрсатади. Шунга кўра, ўсимликларнинг фитокимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида импорт ўрнини босувчи сифатли хомашё олиш, юқори коэффициентга ва иқтисодий самарадорликка эга ўсимлик турларини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда доривор ўсимликларнинг хомашёсини кўпайтириш ҳамда уларнинг саноат плантацияларини ташкил этиш, биологик фаол моддаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича қиёсий таққослаш ва истиқболли навларини саралаш борасида муҳим натижаларга эришилди [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8].

Мақолада Ўзбекистонда доривор зубтурумни етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга *Plantago major* нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Йирик зубтурум машҳур ва жуда кенг тарқалган доривор ўсимлик ҳисобланади. У асосан намлик етарли бўлган жойларда, далаларда, боғларда, дарё ва ариқ бўйларида, ўтлоқларда учрайди. Унинг препаратлари ва ўтларини дорихона тармоқларидан деярли бутун йил давомида сотиб олиш мумкин. Қадим замонлардан бери халқ табобатида қўлланилиб келаётган доривор ўсимликдир. Шу билан бирга замонавий илмий тиббиётнинг расмий воситасидир. Йирик зубтурум замонавий тиббиёт ва халқ табобатининг энг кенг ишлатиладиган доривор ўсимликларидан биридир.

**Ўсимликнинг тарқалиши.** Йирик зубтурум энг кўп тарқалган ўсимликлардан биридир. Ўсимликни йўл ёқаларида, дала ва экинзорларда, ўтлоқ ва ўрмон четларида ва ариқ бўйларида кўплаб учратиш мумкин. Нам кўп шароитларда йирик зубтурум барглари ердан кўтарилиб ўсади ва йирик бўлади, қурғоқчил ерларда эса барглари кичик ва ербағирлаб ўсади.

**Агротехник тадбирлар.** Зубтурум уруғидан кўпаяди. У тупроқнинг нам бўлишини ҳамда бегона ўтлар бўлмаслигини ёқтиради. Ҳар қандай турдаги хусусан сизот сув яқин бўлган тупроқлар, экинлардан бўшаган ерлар зубтурум етиштириш учун қулай ҳисобланади. Асосий шудгор вақтида гектарига 20-30 тоннадан гўнг, 45-



60 кг.дан фосфор ўғитлари солинади. Кеч кузда, ноябрнинг иккинчи ва учинчи ўн кунликларида шудгордан кейин ўзаро бир бирига тик йўналишда молаланади, яхшилаб текисланади, ишлов берилади. Зубтурум экинзоридан фойдаланиш давомийлиги 2-3 йил. Уруғ сабзавот экиш ускунасида қатор оралари 60 см қилиб экилади. Бунда уруғ қадаш чуқурлиги 0,5-1,0 см. ни ташкил қилади. Гектарига 5-6 кг уруғ сарфланади. Экиш олдидан уруғ яхшилаб ювилиб, шилимшиқ қавати тозаланади, қуритилади. Сўнгра юз ҳисса кум, кукун ҳолидаги гўнг ва ҳоказоларга аралаштирилади. Бу эса уруғни бир текис экиш имконини беради. Кузда ҳам экиш мумкин, бунда уруғ дастлаб стратификацияланади (униб чиқишини тезлаштириш учун нам кум орасида 0-6 даража ҳароратда сақланади) ёки ишқалаш ва ювиш ёрдамида шилимшиқлигидан тозаланади. Ўсимлик тупларида баҳорда 3-4 та чин барг чиққанидан кейин ер юмшатилиб, уларни тупроқ босиб кетмаслик учун секин культивация қилинади. Бегона ўтлардан тозаланади, ягона қилинади. Бир метр ерда 8-10 та туп бўлиши, ўсимлик зичлигини меъёрида экилишини англатади. Зубтурум мавсум давомида 10-12 марта суғорилади, 3-4 марта культивация қилинади, май-июль ойларида гектарига 30 кг дан азот, 40 кг.дан фосфор ва 20 кг.дан калий ўғитлари билан озиклантирилади. Иккинчи ва кейинги йилларда май ойида икки қатор қилиб бир-бирининг орасидан 10 см қолдириб, униб чиққан ўсимликларнинг барги ягона қилинади ва икки марта озиклантирилади.

Катта зубтурум экилган майдонлардан иккинчи йилдан бошлаб гектар ҳисобига 6-7 центнер куруқ барг йиғиб олиш мумкин.

**Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати.** Тиббиётда қуритилган ва янги узилган барглари фойдаланилади. Қуритилган барглари плантоглюцид препаратини ишлаб чиқариш учун сарфланади, баргининг шираси эса қадоқланган холда дорихоналарга чиқарилади.

Хом-ашё ўсимликнинг гуллаш фазасидан бошлаб, баргларининг четлари қуриши бошлагунича териб олинади. Йил давомида бир жойдан ўсимликда баргнинг шаклланишига қараб, бир неча марта йиғиш мумкин. Зубтурум плантацияларида барг ҳосилини териш тўғри ташкил этилса, ушбу плантациядан бир неча йил давомида



фойдаланилади. Аммо 3-4 йиллар давомида ўсимликнинг қариши кузатилиб, бунда барг ҳосилининг кўрсаткичи пасаяди. Барглари бироз барг банди қолдирилиб, ўткир пичоқ ёки боғ қайчиси орқали териб олинади. Турли касалликларга чалинган, қорайган барглارни теришга йўл қўйилмайди. Баргнинг бутун банд қисми билан териб олиш мумкин эмас, бу кейинги барг ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади. Хом-ашё тайёрлашда ўсимликни яхши ўсган бир-иккита туплари уруғ олиш ва бошқа мақсадлар учун қолдирилади.

Қуритилган йирик зубтурум барглари давлат фармокопеяси талабларига кўра маҳсулот: тухумсимон, эллипссимон, текис қиррали, 5-9 та гача ёйсимон томирланган, узунлиги 12 см, эни 8 см, калта бандли барглardan иборат бўлиши лозим. Маҳсулотнинг ҳидсиз, аччиқроқ мазаси бор. Намлиги 14%, сарғайган ва қорайган барглар миқдори 5%, гул ўқлари 1%, органик ва минерал қўшимчалар 1%, умумий кул миқдори 20% дан ошмаслиги, экстрактив моддалар миқдори эса 30% дан кам бўлмаслиги лозим.

Йирик зубтурумнинг янги баргларида намлик 70% дан кам бўлмаслиги шарт.

**Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби.** Тиббиётда барги ва қуритилмаган ер устки қисми ишлатилади. Йирик зубтурум баргларининг тиндирмаси балғам кўчирувчи восита сифатида бронхитларда, туберкулезда, астмада қўлланилади. Зубтурумнинг янги шираси меъда-ичак касалликлари – гастрит, энтерит, энтероколитларда ишлатилади. Янги терилган хўл ҳолидаги баргининг консервация қилинган шираси плантаглюцид препаратини олишда ишлатилади.

Йирик зубтурумда фитонцидларни кўплиги уни антимиқроб хусусиятини таъминлайди. Ўсимлик баргларининг тиндирмаси ёки янги шираси яраларни тез битиришда, турли урилишларда, фурункулда, йирингли яраларда фойдаланилади.

Йирик зубтурум барглари таркибида ксантон глюкозиди, аукубин, алкалоидлар, камроқ ошловчи моддалар, шиллиқ моддалар, К витамини, уран кислоталари мавжуд. Уруғларида стероид сапонинлар, 44% шиллиқ моддалар, 22% ёғ, 0,16-0,17% пентозалар, 22% протеин ва 16% турли аминокислоталар топилган.



**Тавсиялар.** Табиатдаги захираси етарли даражада бўлиб, суғориладиган ерларнинг доимий бегона ўти хисобланади. Тайёрланган хом-ашё 24 соат давомида заводларда қайта ишланишга топширилиши лозим.

## REFERENCES

1. Жумабоев Ғ.Ш., Махкамов Т.Х., Авазова М.А. Тошкент воҳаси шароитида испан мингбошини етиштириш технологияси // *Agro Inform.* – 2022. – №. 4. – С. 30-35.
2. Жумабоев Ғ. Ш., Махкамов Т. Х. Инвазив усимлик-Испан мингбоши (*Vaccaria hispanica* (Mill.) Rauschert) ни маданийлаштириш истикболлари ва уруг унувчанлиги // *ГулДУ ахборотномаси.* – 2022. – Т. 1. – С. 17-23.
3. Мелиқўзиев А. А., Ергешев Д.А., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa* L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари // *Academic research in educational sciences.* – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 168-175.
4. Sotiboldieva D. I., Mahkamov T. X. Component composition of essential oils *Curcuma longa* L.(Zingiberaceae) introduced in Uzbekistan // *American Journal of Plant Sciences.* – 2020. – Т. 11. – №. 8. – С. 1247-1253.
5. Тўхтаев, Б. Ё., Маҳкамов, Т. Х., Тўлаганов, А. А., Маматкаримов, А. И., Маҳмудов, А. В., & Алляяров, М. Ў. (2015). Доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ва хом ашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома.
6. Yuldasheva, N. E., & Aminova, M. (2022). *Albuca bracteata*–hind piyozini etishtirish usullari va shifobahshlik xususiyatlari. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 376-384.
7. Мелиқўзиев, А. А., Ергешев, Д. А., & Махкамов, Т. Х. (2022). Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa* L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари. *Academic research in educational sciences*, 3(7), 168-175.
8. Сотиболдиева, Д., Махкамов, Т. Х., & Дусчанова, Г. М. (2019). Анатомо-гистологическое строение корневища *Curcuma longa* L.(сем. Zingiberaceae) в условиях интродукции). *НамДУ илмий хабарномаси*, 1, 54-59.